

2017 йил январь-декабрь ойларида


ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ.

Жойрий йилнинг январь-декабрь ойлари бўйича Бухоро вилоятида 2423,2 млрд. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101,4 фоизни ташкил этди ва 2016 йилнинг январь-декабрига нисбатан 1,3 фоизга кўпайган.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 59,5 фоизи янги қурилиш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва корхоналарни техник қайта қуроллантиришга, 40,5 фоизи эса капитал, жорий таъмирлашга ва бошқа қурилиш пудрат ишларига тўғри келди.


Шунингдек, йирик пудрат ташкилотлари томонидан қурилиш ишлари ҳажми 779,7 млрд. сўмни ёки 95,7 фоизни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 10 фоиз пунктга ошди ва қурилиш-монтаж ишларининг умумий ҳажмдаги улуши 34,2 фоизни ташкил қилди.

Қурилиш ишлари, млрд. сўм.



Кичик қурилиш ташкилотлари ва микрофирмалар томонидан бажарилган қурилиш ишлари ҳажми жами қурилиш ишларининг 33,5%ни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 110,0% ни ташкил этди. Кичик қурилиш ташкилотлари ва микрофирмалар асосан сотиш учун турар жойлар қуриш, автомобил йўлларини янги қурилиши, реконструкция ва таъмирлаш, ижтимоий соҳа объектлари (мактаблар, мактабгача таълим муассасалари), намунавий лойиҳалар асосида қурилатган ва арзонлаштирилган уй-жойлар қурилишида ўз фаолиятларини амалга оширмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича қурилиш ишлари.



Мулкчилик шакллари.

Мулкчиликнинг нодавлат шаклидаги қурилиш ташкилотлари томонидан 2277,1 млрд.сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, жами қурилиш ишлари ҳажмининг 94,0 фоизини ташкил қилди ва ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 0,6 фоиз пунктга камайди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ишлари. (жамига нисбатан % да)

